195.	4Н935	Шилдир қ. — Телминг қ. — Оқтепа қ.	5
196.	4Н936	Данғара қ. — Пешкарон қ.	3
197.	4Н937	Бойдовул қ. — Чиначак қ.	2
198.	4Н938	Топтиксарой қ. — Пахтаобод қ.	4
199.	4Н941	Каттаамиробод қ. — Мусабек қ.	3
200.	4Н942	Таргова қ. — Октябрь қ.	3
201.	4Н943	Найманча қ. — Чаман қ.	5
202.	4Н945	Мулкобод қ. — Бойқишлоқ қ.	3
203.	4Н946	Янгиқишлоқ қ. — Минглар қ.	3
204.	4Н947	Қораёзбобо қ. — Худоёрхон қ.	4
205.	4Н948	Худоёрхон қ. — Дастурхончи қ. — Қўқон сув иншооти	6
206.	4Н949	Дастурхончи қ. — Жумабой қ. — Чек қ.	4
207.	4Н951	Катта Кенагас қ. — Мамат қ. — Пиртак қ.	6
208.	4Н952	Тепакўрғон қ. — Пиртак қ.	3
209.	4Н953	Зигир қ. — Гулистон қ.	4
210.	4Н954	Учкўприк қ. — Оқолтин қ. — Айритом қ.	4
211.	4Н955	Кичик Қуштепа қ. — Катта Пиртак қ.	6
212.	4Н956	Қўрғонча қ. — Қўқонбой қ.	6
213.	4Н957	Собиржон қ. — Ганжиравон қ.	5
214.	4Н958	Тепакўрғон қ. — Қуммозор қ.	2
215.	4Н959	Томоша қ. — Сурпа қ.	4
216.	4Н961	Яккатут қ. — Қипчоқ қ. — Серак қ.	7
217.	4Н962	Риштон қ. — Кашкарон қ.	2
218.	4Н963	Жангкетмон қ. — Қўрғонча қ. — Томоша қ.	7
219.	4Н965	Ўртақишлоқ қ. — Чек қ.	8
220.	4Н966	Ёғжувоз қ. — Салим қ.	3
221.	4Н967	Оқмачит қ. — Қатортол қ.	3
222.	4Н968	«Олтиариқ — Учуй» автойўли — Катта Андижон каналдаги сувни оқизиш жойи	3
223.	4Н969	Қирқкетмон қ. — Сочтепа қ. — Чинор қ.	8
224.	4Н971	Кудош қ. — Султонқишлоқ қ.	4
		шоҳобча: а) Попай қ. (3 км)	2
		Жами шоҳобча билан	6
225.	4Н972	Янгиқўрғон қ. — Оқтом қ. — Каримбобо қ.	12
		шоҳобча: а) Қирғизқўрғонча қишлоғига (12 км)	3
		б) Қоратепа қишлоғига (12 км)	4
		Жами шоҳобчалар билан	19
226.	4Н973	Пахтакор пахтани қабул қилиш пункти — Қорақалпоқ қ. — Қияли қ.	3
227.	4Н974	Нурсўх қ. — Ўрмонобод қ.	8
228.	4Н975	Чилжийда қ. — Шотўра қ. — Калдушон қ.	7
229.	4Н976	Қорасоқол қ. — Хонобод қ.	5
230.	4Н977	Қизилқийёқ қ. — Шархобод қ.	9
231.	4Н978	Гидроқурилиш тўғони — Тош кони	7
		Жами:	2956

№	Автомобиль йўлларининг рақами	Автомобиль йўлларининг номи	Узунлиги, км
Хоразм вилояти			
1.	4K921	«Шовот — Гурлан» автойўли — Сабинчи қ.	6
2.	4K922	Гурлан ш. — Эшимжиран қ.	7
3.	4K923	«Урганч — Манғит» автойўли — Гурлан ш.	6
4.	4K924	«Урганч — Манғит» автойўли — Дўсимбай қ. — Маргугат қ. — Гулистон қ.	11
5.	4K925	«Гурлан — Гулистон» автойўли — Қўнғиротовул қ. — Тозақайир қ.	16
6.	4K926	«Шовот — Гурлан» автойўли — Боғолон қ. — Маданият қ. — Қиличнӣёзбой сув иншооти	34
7.	4K927	«Шовот — Гурлан» автойўли — Аччиққўл қ. — Бўзқала қ. — Боғолон қ.	24
8.	4K928	«Урганч — Гурлан» автойўли — Ширинқўнғирот қ. — Бўзқала қ. шоҳобча: а) Янгибозор шаҳарчасига Жами шоҳобча билан	17 3 20
9.	4K929	«Қўшқўпир — Шовот» автойўли — Қиёт қ. — Туркменистон Республикаси чегараси шоҳобча: а) «Урганч — Шовот» автойўлига Жами шоҳобча билан	16 3 19
10.	4K930	Шовот темир йўл станцияси — Қиёт қ. — Буйрачи қ.	22
11.	4K931	Урганч ш. — Чатқўпир қ. — Шовот ш. шоҳобчалар: а) Урганч асфальт заводига б) «Урганч — Шовот» автойўлига Жами шоҳобчалар билан	31 2 1 34
12.	4K 932	К.Отаниёзов қ. — Айирдам қ. — Шовот ш.	11
13.	4K 933	Шовот ш. — Чигатой қ. — Моноқ қ.	13
14.	4K 934	Шовот ш. — Қизилой қ. — Бўстон қ.	10
15.	4K 935	Амир Темур қ. — Беговот қ.	11
16.	4K936	Урганч ш. — Чолиш қ. — Беруний ш. автойўлидан шоҳобчалар: шу жумладан: а) Қиличнӣёзбоши сув иншоотига б) Урганч отчопарига	13 10 3
17.	4K937	Урганч — Хайват қ. — Қиличнӣёзбой сув иншооти	10
18.	4K938	Урганч айланма автойўлидан шоҳобчалар: шу жумладан: а) Урганч аэропортига б) Урганч туман марказига в) «Урганч — Гурлан» автойўлига г) Урганч туман касалхонасига	10 3 3 2 2
19.	4K939	«Урганч — Чолиш» автойўли — Дарёлик арна сув иншооти	9
20.	4K940	«Урганч — Чолиш» автойўли — Оқолтин қ. — Қорамози қ. — Ҳонқа қ.	16
21.	4K941	Урганч ш. — Чандирқиёт қ. — «Урганч — Ҳонқа» автойўли	8
22.	4K942	«Урганч — Янгиариқ» автойўли — Чандирқиёт қ. — Навхос қ.	10

№	Автомобиль йўллари рақами	Автомобиль йўллари номи	Узунлиги, км
23.	4K943	«Урганч — Хива» автойўли — Оёққўнғирот қ.	13
24.	4K944	«Урганч — Хива» автойўли — Қорамон қ. — Қўшқўпир қ.	16
25.	4K945	Қўшқўпир қ. — Ғозавот қ.	15
26.	4K946	Уйғур қ. — Ших қ. — Тахта қ.	14
27.	4K947	«Қўшқўпир — Урганч» автойўли — Бўрдоқчилик базаси	8
28.	4K948	«Урганч — Хива» автойўли — Незохос қ. — «Хива — Қўшқўпир» автойўли	10
29.	4K949	Пирханос қ. — Шомахулум қ. — Чанашиқ қ. — Хўжаовул қ.	32
30.	4K950	Қорақум қ. — Уйғур қ. — Ших қ.	18
31.	4K951	Хива ш. — Оқёп қ. — Равот қ. — Қорақум — «Хива — Ғозавот» автойўли шоҳобчалар: а) Дошёқ қишлоғига б) Оқёп қишлоғига Жами шоҳобчалар билан	19 1 3 23
32.	4K952	Хива ш. — Сирчали қ. — Бўрдоқчилик базаси	6
33.	4K953	4P163 автойўлидан шоҳобчалар: шу жумладан: а) Қалажик кўлига б) Янгиобод шаҳарчасига	12 9 3
34.	4K954	«Урганч — Хива» автойўли — Журён қ. — Новхас қ.	19
35.	4K955	«Урганч — Янгиариқ» йўли — Қорақош қ. — P8 сув иншооти	18
36.	4K956	Янгиариқ катта айланма автойўли шоҳобча: а) Шўркўл кўлига Жами шоҳобча билан	46 3 49
37.	4K957	Сабирзан қ. — Олажа қ. — Қулонқорабоғ қ. — «Урганч — Ҳазорасп» автойўли	24
38.	4K958	«Урганч — Гурлан» автойўли — Бош Қирших қ. — Жайхун қ.	7
39.	4K959	Янгиариқ қ. — Ўрмон хўжалиги	8
40.	4K960	«Янгиариқ — Ҳонқа» автойўли — Учтепа қ. — Пишканик қ. — Кўллик захкаши	14
41.	4K961	Мадир қ. — Сарапоён қ. — Қорамази қ.	5
42.	4K962	Қирқёп қ. — Ф.М. шаҳарчаси — Ал-Хоразмий қ.	21
43.	4K963	Ҳонқа ш. — Ҳонқаобод қ. — Ал-Хоразмий қ. — Амударё	18
44.	4K964	Ал-Хоразмий қ. — Амударё	12
45.	4K965	Боғот ш. — Олажа қ. шоҳобчалар: а) Боғот айланма автойўли б) Тома қишлоғига в) Дурвадик қишлоғига Жами шоҳобча билан	5 4 5 2 16
46.	4K966	«Боғот — Янгиариқ» автойўли — Тожи оға қ.	8
47.	4K967	«Боғот — Янгиариқ» автойўли — Пилёз қ. — Кўллик захкаш	7
48.	4K968	Боғот ш. — Тома қ. — Деҳқонбозор қ. — Қизилравот қ. — Ҳазорасп ш. шоҳобча:	25

№	Автомобиль йўлларининг рақами	Автомобиль йўлларининг номи	Узунлиги, км
		а) Дам олиш масканига Жами шохобча билан	2 27
49.	4К969	Оёқ қ. — Хитой қ. — Кулонқорабоқ қ. — Тошсоқа канали шохобча: а) Куланқорабоқ қишлоғига Жами шохобча билан	15 4 19
50.	4К970	«Урганч — Ҳазорасп» автойўли — Кўллик захкаши	6
51.	4К971	Тўпчи қ. — Ал-Хоразмий қ.	9
52.	4К972	Бахтиёр қ. — Қизилравот қ. — Кўллик захкаши	21
53.	4К973	Ҳазорасп ш. — Тошсоқа сув иншооти	17
54.	4К974	Ҳазорасп ш. — Мушпури қ. — Тошсоқа канали	6
55.	4К975	Ҳазорасп темир йўл станцияси — Ошаққарвак қ. — «Урганч — Амударё» автойўли	21
56.	4К976	4Р156«г» автойўли — Кўллик захкаши — Пичоқчи қ.	27
57.	4К977	Ҳазорасп — Сил касаллиги сиҳатгоҳи — Кўллик захкаши	11
58.	4К978	Питнак ш. — Питнак қ.	5
59.	4К979	«Урганч — Хива» автойўли — Қоромон қ.	7
60.	4К980	«Урганч — Гурлан» автойўли — Сахтиён қ. — Гурлан ш.	7
61.	4К981	Шовот темир йўл станцияси — Ижтимоат қ. — Ўзбекистон қ.	21
62.	4К983	Чиқирчи қ. — Шўркўл кўли	8
63.	4К984	A380 автойўлидан шохобчалар: шу жумладан: а) Саримой қишлоғига б) Туямўйин сув иншооти	23 7 16
64.	4К985	Гурлан ш. — Вазир қ. — Деҳқонобод қ.	13
65.	4К986	Хива ш. — Ғазовот қ. — Арвук қ. — Моноқ қ. шохобча: а) Қўшқўпир қишлоғига Жами шохобча билан	59 10 69
66.	4Н1921	Эшимжирон қ. — Вазир қ. — Дўсимбий қ. — Байнал қ.	20
67.	4Н1922	«Гурлан — Гулистон» автойўли — Тозақайр қ. — Намуна қ.	3
68.	4Н1923	«Урганч — Гурлан» автойўли — Боголон қ. — Маданият қ.	12
69.	4Н1924	«Янгибозор — Бўзқала» автойўли — Ширинқўнгирот қ.	4
70.	4Н1925	Хайват қ. — Қаландўрмон қ. шохобча: а) Ўрмончилик хўжалигига Жами шохобча билан	11 7 18
71.	4Н1926	Ябликонгли қ. — Масит қ. — Конгли қ. — Туркменистон Республикаси чегараси	17
72.	4Н1927	«Шовот — Гурлан» автойўли — Паррандачилик фабрикаси	5
73.	4Н1928	«Урганч — Шовот» автойўли — Кураклар қ.	5
74.	4Н1929	Қўшқўпир ш. — Ғазовот қ. — Ўзбекёп қ.	5
75.	4Н1930	«Қўшқўпир — Ғазавот» автойўли — Хайравот қ. — Кўназёй қ.	6
76.	4Н1931	«Урганч — Хива» автойўли — Арвук қ.	7
77.	4Н1932	Бедархона қ. — Сирчали қ.	5
78.	4Н1933	Янгиариқ ш. — Пишканик қ. — «Хива — Чиқирчи» автойўли	6

№	Автомобиль йўллари-нинг рақами	Автомобиль йўллари-нинг номи	Узунлиги, км
79.	4Н1934	Гандимиён қ. — Ғовуққўл қ. шоҳобча: а) Ногиронлар уйига Жами шоҳобча билан	5 2 7
80.	4Н1935	Саёт қ. — Каттабўғ қ. — Қорақош қ.	4
81.	4Н1936	Гуланбўғ қ. — Журён қ. — Саёт қ.	6
82.	4Н1937	«Урганч — Гурлан» автойўли — Юқоридўрмон қ. — «Урганч — Чолиш» автойўли	8
83.	4Н1938	Урганч ш. — Урганч айланма автойўли орқали — Оқолтин қ.	6
84.	4Н1939	Дарёлик арна сув иншооти — Фуқаролар муҳофазаси шаҳарчаси	14
85.	4Н1940	«Урганч — Хива» автойўли — Юқорибўғ қ. — «Урганч — Янгиариқ» автойўли	4
86.	4Н1941	Остона қ. — Баёт қ. — Гулистон қ.	6
87.	4Н1942	Чигирчи қ. — Уйғур қ. — «Хива — Чигирчи» автойўли	7
88.	4Н1943	Ф.М. шаҳарчаси — Ҳонқаобод қ.	7
89.	4Н1944	Ҳонқа айланма автойўли	5
90.	4Н1945	«Ҳонқа — Янгиариқ» автойўли — Чотқиёт қ.	6
91.	4Н1946	Дурводик қ. — Тўпчи қ.	10
92.	4Н1947	«Ҳазорасп — Урганч» автойўли — Найман қ. — «Боғот — Янгиариқ» автойўли	7
93.	4Н1948	«Урганч — Ҳазорасп» автойўли — Ўзгариш қ.	7
94.	4Н1949	«Ҳазорасп — Урганч» автойўли — Деҳқонбозор қ. — Дурвадик қ.	5
95.	4Н1950	«Ҳазорасп — Урганч» автойўли — Зарбдор қ.	3
96.	4Н1952	Ҳазорасп ш. — Сил касаликлари сиҳатгоҳига — Бешта қ.	4
97.	4Н1953	«Ҳазорасп — Амударё — Карвак қ. — Тошсоқа канали	5
98.	4Н1954	«Урганч — Гурлан — Манғит» автойўлидан шоҳобчалар: шу жумладан: а) Навоий қишлоғига б) Қаландўрмон қишлоғига	2 1 1
99.	4Н1955	«Шовот — Туркменистон Республикаси чегараси» автойўли — Бўстон қ.	2
100.	4Н1956	«Хива — Ғазовот» автойўлидан шоҳобчалар: шу жумладан: а) Ўртаёп қишлоғига б) Ҳосиён қишлоғига	4 1 3
101.	4Н1957	«Қорақум — Уйғур» автойўлидан шоҳобчалар: шу жумладан: а) Ғалаба қишлоғига б) Уйғур посёлкасига	7 4 3
102.	4Н1958	«Урганч — Гурлан» автойўли — Бошқирших қ. — Жайхун қ.	7
103.	4Н1959	«Хива — Янгибозор» автойўли — Қаландўрмон қ.	1
104.	4Н1960	Майдамиллат қ. — Қалажик кўли — Зарбдор қ.	2
105.	4Н1962	Меҳнатобод қ. — Чигатой қ.	2
106.	4Н1963	«Ҳазорасп — Амударё» автойўлидан шоҳобчалар: шу жумладан: а) Карвак қишлоғига б) Бешта қишлоғига	13 1 2

№	Автомобиль йўлларининг рақами	Автомобиль йўлларининг номи	Узунлиги, км
		в) Овшар қишлоғига	1
		г) Қўллик захкаши сув иншооти	9
107.	4Н1964	«Урганч — Гурлан» автойўли — Эшимжирон қ. — Вазир қ. — Қорақалпоғистон Республикаси чегараси	30
108.	4Н1965	Тожиоға қ. — Қўллик захкаши. — Қизилравот қ.	24
109.	4Н1967	«Урганч — Шовот» автойўли — Ўртадўрмон қ. — «Урганч — Гурлан» автойўли	5
110.	4Н1968	«Хива — Қўшқўпир» автойўли — Чорвадор хўжалиги	3
111.	4Н1969	Шовот ш. — Ўзбекистон қ. — Иштимоят қ. — Туркменистон Республикаси чегараси	4
112.	4Н1970	«Ҳазорасп — Амударё» автойўли — Карвак қ. — Тошсоқа канали иншооти	5
113.	4Н1971	«Ҳазорасп — Амударё» автойўли — Карвак қ.	5
114.	4Н1972	«Ҳазорасп — Амударё» автойўли — Навоий қ.	1
115.	4Н1973	Ҳазорасп ш. — Обод қ.	6
116.	4Н1974	«Қўшқўпир — Ғазовот» автойўли — Мустақиллик қ.	4
		Жами:	1391
		Жами маҳаллий аҳамиятга молик автомобиль йўллари:	24606

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

271 Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 28 ноябрдаги 414-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 июндаги 105-сон қарори билан тасдиқланган Рақобатни ҳимоя қилиш ва товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама фаолиятига доир қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ҳамда ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари режасига мувофиқ истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик ташкилотлари томонидан мониторинг олиб боришни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 28 ноябрдаги 414-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 73-модда) 1-бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Ички бозорда сотиладиган истеъмол товарларининг зарур сифатда бўлишини ва хавфсизлигини ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бошқа талабларини таъминлаш юзасидан мониторинг олиб бориш истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича махсус ваколатли давлат органлари билан биргаликда тасдиқланган Ўзбекистон истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси режалари асосида амалга оширилади».

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 6 август,
171-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БҲЙРУҒИ

272 Меҳнат органларига бўш иш жойлари (вакант лавозимлар) мавжудлиги тўғрисида ва мўлжалланаётган ходимлар ишдан озод этилиши тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартиби ҳақидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
6 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 858-3*

(2010 йил 16 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1251-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 562-модда)га мувофиқ **буюраман:**

1. Меҳнат вазирлиги томонидан 1999 йил 29 ноябрда 2080/04-1-сон билан тасдиқланган «Меҳнат органларига бўш иш жойлари (вакант лавозимлар) мавжудлиги тўғрисида ва мўлжалланаётган ходимлар ишдан озод этилиши тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартиби ҳақидаги низомга (рўйхат рақами 858, 1999 йил 22 декабрь) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир

А. ХАЙТОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 4 август,
151-Б-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

**273 «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликлари
рини ҳамда кичик бизнес субъектларини миллий
валютада кредитлаш Тартиби»га ўзгартиришлар киритиш
тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
6 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 907-4*

(2010 йил 16 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1995 йил, 12-сон, 247-модда) ҳамда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 5-6-сон, 54-модда) қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2000 йил 4 мартда тасдиқланган 465-сонли (4-сон баённома) (рўйхат рақами 907, 2000 йил 7 март) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 5-сон, 125-модда) «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларини ҳамда кичик бизнес субъектларини миллий валютада кредитлаш Тартиби»га иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 24 июль,
25/1-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

274 Дон етиштирувчи хўжаликларни сифатли бошоқли
дон уруғлиги билан таъминлаш тўғрисидаги низом-
ни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
6 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2130*

(2010 йил 16 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 7 сентябрдаги ПҚ–1183-сон «2010 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экинларини экиш, навларни жойлаштириш ва харид қилишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 й., 9-сон, 370-модда) 6-банди ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Дон етиштирувчи хўжаликларни сифатли бошоқли дон уруғлиги билан таъминлаш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазири**

З. РЎЗИЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 11 май,
7-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 11 май,
42-сон

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва
Молия вазирлигининг 2010 йил 11 майдаги
7 ва 42-сон қарорига
ИЛОВА

**Дон етиштирувчи хўжаликларни сифатли бошоқли
дон уруғлиги билан таъминлаш тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Уруғчилик тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 130-модда) ва «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 9-сон, 156-модда) қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 7 сентябрдаги ПҚ-1183-сон «2010 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экинларини экиш, навларни жойлаштириш ва харид қилишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 й., 9-сон, 370-модда) мувофиқ дон етиштирувчи хўжаликларни сифатли бошоқли дон уруғлиги билан таъминлаш тартибини белгилайди.

І. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом талаблари дон етиштирувчи хўжаликларни бошоқли дон уруғлигининг янги, истиқболли, юқори сифатли ва серҳосил навлари билан таъминлашга татбиқ этилади.

2. Дон етиштирувчи хўжаликларни бошоқли доннинг янги, истиқболли, юқори сифатли ва серҳосил навлари билан таъминлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда камида иккита дон етиштирувчи хўжаликларни суғориладиган ерларида 1 гектардан ҳамда битта дон етиштирувчи хўжаликнинг суғорилмайдиган (лалмикор) ерларида 5 гектардан кам бўлмаган ўлчамдаги майдонда ушбу хўжаликлар билан келишилган ҳолда кўргазмали майдончалар (кейинги ўринларда кўргазмали майдончалар деб юритилади) ташкил этилади.

Кўргазмали майдончаларни ташкил этишга Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази тизимидаги ғаллачиликка ихтисослашган илмий-тадқиқот институтлари ва уларнинг ҳудудий филиаллари ҳамда Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш давлат комиссияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари жавобгар ҳисобланадилар.

3. Кўргазмали майдончалар ташкил этиладиган дон етиштирувчи хўжаликлар, уларнинг жойлашган ҳудуди ва уларда экиладиган бошоқли дон экинлари навларининг рўйхати Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва

сув хўжалиги вазирлиги ҳамда вилоятлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари томонидан белгиланади.

4. Кўргазмали майдончаларда маҳаллий ва хорижий илмий муассасалар томонидан яратилган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экишга тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига (кейинги ўринларда Давлат реестри деб юритилади) киритилган, истикболли деб ҳисобланган ҳамда Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш давлат комиссиясида камида бир йил давомида синовдан ўтган бугдойнинг юмшоқ ва қаттиқ ҳамда арпанинг янги ва серҳосил навлари синов мақсадида экилади.

II. Дон етиштирувчи хўжаликларни бошоқли дон уруғлиги билан таъминлаш

5. Кўргазмали майдончаларга экиладиган бошоқли дон экинлари навларининг уруғлиги «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси таркибига кирувчи дон маҳсулотлари корхоналари, Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш давлат комиссиясининг ҳудудий бўлинмалари, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази тизимидаги галлачиликка ихтисослашган илмий-тадқиқот институтлари ва уларнинг ҳудудий филиаллари томонидан бепул етказиб берилади.

6. Кўргазмали майдончаларда етиштирилган ҳосил йиғиб олингач, бошоқли дон экинлари навларининг барча қимматли хўжалик кўрсаткичлари акс эттирилган маълумотлар 15 июлгача туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари томонидан ҳудуддаги барча дон етиштирувчи хўжаликларга етказилади.

7. Кўргазмали майдончаларда етиштирилган ҳосил натижаларидан келиб чиқиб, дон етиштирувчи хўжаликларнинг раҳбарлари бошоқли дон экинлари навлари уруғлигини харид қилиш учун:

уруғлик захираси шаклланмаган янги бошоқли дон экинлари навлари уруғлиги учун — 2 йил олдин;

экиб келинаётган, лекин уруғлик захираси етишмайдиган бошоқли дон экинлари навлари уруғлиги учун — 1 йил олдин;

уруғлик захираси етарли бошоқли дон экинлари навлари уруғлиги учун — жорий йилда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларига йилнинг 20 июлигача буюртма беради.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда вилоятлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш давлат комиссияси билан биргаликда кўргазмали майдончалардаги бошоқли дон экинлари ҳосили йиғиштириб олингач, ҳар бир бошоқли дон экинлари нави уруғлигидан 6 кг дан намуналар олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекциясининг марказий лабораториясига технологик сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиш учун юборади. Бунда, бошоқли дон экинлари донининг сифатини аниқлашда ҳаққонийликни таъминлаш мақсадида бошоқли дон

экинлари навларининг номлари Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш давлат комиссияси томонидан кодлаштирилади.

9. Кўргазмали майдончаларда етиштирилган бошоқли дон экинлари навларининг сифат кўрсаткичлари бўйича аниқланган маълумотлар Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази ҳамда Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш давлат комиссияси томонидан умумлаштирилади ва ҳар йили 1 августга қадар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига тақдим қилинади.

10. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тақдим қилинган бошоқли дон экинлари навларининг сифат кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларга асосланиб Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш давлат комиссияси, «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси билан келишган ҳолда бошоқли доннинг янги, истиқболли ва серхосил навларини харид қилиш борасида дон етиштирувчи хўжаликларни рағбатлантириш учун ҳар йили юмшоқ ва қаттиқ бугдойнинг янги, истиқболли, қимматбаҳо ва кучли навлари ҳамда арпанинг истиқболли ва пивобоп навларининг рўйхатини тасдиқлайди.

11. Давлат реестрига киритилган бошоқли дон экинлари навлари уруғлигини тайёрлаган «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси таркибига кирувчи дон махсулотлари корхоналари, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази тизимидаги ғаллачиликка ихтисослашган илмий-тадқиқот институтлари ва уларнинг ҳудудий филиаллари дон етиштирувчи хўжаликларни рағбатлантирган ҳолда мазкур Низомнинг 10-бандида кўрсатилган рўйхатга киритилган янги, истиқболли ва юқори ҳосилли навларнинг уруғлиги нархини уларга 5 фоизга камайтириб сотади.

12. Дон етиштирувчи хўжаликларга 5 фоизга камайтириб сотилган бошоқли дон экинлари уруғлигининг ҳақиқий нархи билан сотиш нархи ўртасидаги фарқ:

бошоқли дон экинлари уруғлиги «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси таркибига кирувчи дон махсулотлари корхоналаридан харид қилинган бўлса — Бошоқли дон экинлари уруғини етиштирувчи хўжаликларни, шунингдек илмий муассасалар — навлар оригинаторларини, селекция ва уруғчилик соҳаси олимларини рағбатлантириш тўғрисидаги низомда (рўйхат рақами 1993, 2009 йил 5 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 32-33-сон, 366-модда) белгиланган уруғлик сифатини яхшилаш тадбирлари учун «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси таркибига кирувчи дон махсулотлари корхоналари ихтиёрида қолдириладиган маблағлар ҳисобидан;

бошоқли дон экинлари уруғлиги Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази тизимидаги ғаллачиликка ихтисослашган илмий-тадқиқот институтлари ва уларнинг ҳудудий филиалларидан харид қилинган бўлса — юқорида қайд этилган Низомда белгиланган илмий муассасалар — навлар оригинаторларини, селекция уруғчилик соҳаси олимларини рағбатлантириш учун Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш

марказининг ҳисобварағига илмий муассасаларда бошоқли дон экинларининг юқори ҳосилли, қурғоқчиликка чидамли ва юқори сифатли янги истиқболли навларини яратиш харажатлари учун ўтказиладиган маблағлар ҳисобидан қопланади.

III. Яқуний қоидалар

13. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

14. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси билан келишилган.

Иқтисодиёт вазири

С. БЕКЕНОВ

2010 йил 10 май

*«Ўздонмахсулот» акциядорлик
компанияси раиси*

Э. ҚУДРАТОВ

2010 йил 10 май

*Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги
илмий ишлаб чиқариш маркази
бош директори*

Ш. НУРМАТОВ

2010 йил 10 май

*Давлат дон
инспекцияси бошлиғи*

З. АБИДОВ

2010 йил 4 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

275 «Иккиламчи бозорда эркин конвертация қилинадиган валютада амалга ошириладиган қимматли қоғозлар билан битишувларга ҳисоб-китоб-клиринг хизмати кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 11 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1658-1

(2010 йил 21 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»-ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 278-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, Молия вазирлиги ва Марказий банк Бошқаруви **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, Молия вазирлиги ва Марказий банк Бошқарувининг 2006 йил 29 декабрдаги 2006-17, 5, 283-В-сон «Иккиламчи бозорда эркин конвертация қилинадиган валютада амалга ошириладиган қимматли қоғозлар билан битишувларга ҳисоб-китоб-клиринг хизмати кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 1658, 2007 йил 22 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 7-8-сон, 79-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Қимматли қоғозлар бозори
фаолиятини мувофиқлаштириш
ва назорат қилиш маркази
бош директори**

К. ТОЛИПОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 20 июль,
2010-14-сон

Молия вазири**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2010 йил 20 июль,
63-сон

Марказий банк раиси**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,
2010 йил 20 июль,
18/2-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қиммат-
ли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқ-
лаштириш ва назорат қилиш маркази,
Молия вазирлиги ҳамда Марказий банк
Бошқарувининг 2010 йил 20 июлдаги
2010-14, 63, 18/2-сон қарорига
ИЛОВА

**«Иккиламчи бозорда эркин конвертация қилинадиган
валютада амалга ошириладиган қимматли қоғозлар
билан битишувларга ҳисоб-китоб-клиринг хизмати кўрсатиш
тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддимада «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги деган сўзлар «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, 7-сон, 354-модда), «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1-2-сон, 6-модда), «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 12-сон, 247-модда) деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Низомда:

а) муқаддимада «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги деган сўзлар «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, 7-сон, 354-модда), «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахбо-

ротномаси, 2004 йил, 1-2-сон, 6-модда)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 1 ва 2-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ҳисоб-китоб-клиринг палатаси (кейинги ўринларда ХҚП деб юритилади) — қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг тегишли лицензияси асосида қимматли қоғозларга доир битимлар бўйича ҳисоб-китоб-клиринг операцияларни амалга оширувчи қимматли қоғозлар бозорининг профессионал қатнашчиси;

савдоларнинг ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтказилган ва биржа ёки биржадан ташқари қимматли қоғозлар савдосини ташкил этиш бўйича фаолиятни белгиланган тартибда амалга оширувчи, ХҚП билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузган юридик шахс;

ХҚП аъзоси — қимматли қоғозлар бозорида ўзи тузган битимлар бўйича ҳисоб-китоб-клиринг операцияларини ўтказиш тўғрисида ХҚП билан шартнома имзолаган қимматли қоғозлар бозорининг профессионал қатнашчиси;

савдолар қатнашчилари — ХҚП аъзолари ёки ўз номидан ва ўз ҳисобидан ёхуд ўз миқдорлари учун қимматли қоғозларга доир битимларни тузиш учун ташкиллаштирилган савдоларда иштирок этувчи миқдорлар;

савдо ҳисоб рақами — депонентнинг қимматли қоғозларини сақлаш ва ташкиллаштирилган савдоларга қўйилган ёки ташкиллаштирилган савдоларда тузилган битимлар бўйича олинган қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг (кейинги ўринларда Марказий депозитарий деб юритилади) ҳисобга олиш регистрларидаги ёзувлар мажмуи;

ХҚПдаги шахсий ҳисоб рақам — миқдор ёки ХҚП аъзосининг, шунингдек, савдолар ташкилотчилари ва Марказий депозитарийнинг пул маблағларини ҳисобга олиш учун мўлжалланган ХҚПнинг ҳисобга олиш регистрларидаги ёзувлар мажмуи;

тўловга қараб етказиб бериш — қимматли қоғозларга доир битимларни бажариш тартиби, бунда қимматли қоғозлар ва пул маблағларини ўтказиш фақат ҳисоб-китоб-клиринг операциялари иштирокчиларининг ҳисоб рақамларида амалга оширилган битимларни бажариш учун мўлжалланган зарур миқдордаги қимматли қоғозлар ва пул маблағлари борлиги текширилганидан ва гувоҳлантирилганидан (тасдиқланганидан) сўнг амалга оширилади;

«савдоларга чиқариш ҳаракати тўхтатилди» бўлими — биржа ва биржадан ташқари савдо тизимларида сотиш учун қўйиладиган қимматли қоғозларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган махсус бўлим. Мазкур бўлим фақат савдолар қатнашчисининг Марказий депозитарийдаги савдо ҳисобва рафида очилиши мумкин;

«етказиб бериш ҳаракати тўхтатилди» бўлими — ташкиллаштирилган савдолар натижаларига кўра қимматли қоғозлар бўйича мажбурият-

ларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган. Мазкур бўлим фақат савдолар қатнашчисининг Марказий депозитарийдаги савдо ҳисоб рақамида очилиши мумкин;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази;

хизмат кўрсатувчи банк — ХҚПнинг ўзи томонидан хўжалик фаолиятини юритиш учун мўлжалланган ХҚПнинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақамига ва (ёки) ХҚП аъзолари ва миждозларининг пул маблағларини ҳисобга олиш ва сақлаш учун мўлжалланган талаб қилиб олингунча иккиламчи депозит ҳисоб рақамига хизмат кўрсатиш бўйича ХҚПга хизматлар кўрсатувчи банк».

2. ХҚП фаолияти Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, 7-сон, 354-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 апрелдаги 196-сон «Қимматли қоғозлар иккиламчи бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Қимматли қоғозлар бозорида ҳисоб-китоб-клиринг палаталари тўғрисида»ги низом (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 7-8-сон, 65-модда), мазкур Низом ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади»;

в) 21-банднинг олтинчи хатбошисидagi «иккинчи поғонали» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2010 йил 7 августдан 13 августгача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Меҳнат органларига бўш иш жойлари (вакант лавозимлар) мавжудлиги тўғрисида ва мўлжалланаётган ходимлар ишдан озод этилиши тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартиби ҳақидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йил 4 августдаги 151-Б-сонли буйруғи.*

2010 йил 6 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 858-3 (2010 йил 16 августдан кучга киради).

2. «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларини ҳамда кичик бизнес субъектларини миллий валютада кредитлаш Тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 24 июлдаги 25/1-сонли қарори.*

2010 йил 6 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 907-4 (2010 йил 16 августдан кучга киради).

3. «Дон етиштирувчи хўжаликларни сифатли бошоқли дон уруғлиги билан таъминлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлигининг 2010 йил 11 майдаги 7, 42-сонли қарори.*

2010 йил 6 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2130 (2010 йил 16 августдан кучга киради).

4. «Иккиламчи бозорда эркин конвертация қилинадиган валютада амалга ошириладиган қимматли қоғозлар билан битишувларга ҳисоб-китоб-клиринг хизмати кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2010 йил 20 июлдаги 2010-14, 63, 18/2-сонли қарори.*

2010 йил 11 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1658-1 (2010 йил 21 августдан кучга киради).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
МАЪЛУМОТЛАРИ
МИЛЛИЙ БАЗАСИ

ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚҲММБ LexUz) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

LexUZ фойдаланувчиларга ҚҲММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:

— *Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;*

— *қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;*

— *тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;*

— *алфавит-предметли кўрсаткич бўйича қўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.*

излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг қуйидаги имкониятлари мавжуд:

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;*

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гуруҳлаш;*

— *ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;*

— *излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;*

— *ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;*

— *ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;*

— *ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;*

— *«Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент / респондент ҳужжатлар рўйхати;*

— *ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;*

— *ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;*
фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:

— *танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;*

— *излаш шартларини сақлаб қолиш;*

— *фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;*

фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш;
базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.

WWW.LEX.UZ
сайтига марҳамат қилинг